

Толибий XVIII асрда яшаб ўтган ўзбек шоири. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот кам. XVIII—XIX асрларда тузилган кўлөзма ҳамда босма баёзларда шоирнинг ишқий газалларидан намуналар жой олган. Бундан ташқари шоирнинг ихчамгина «Толибнома» ахлокий-таълимий характердаги достони етиб келган. Унда Толибий ҳалоллик, ростгуйлик ширинсуханлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, имон, диёнат, мустаҳкам эътиқодни; исломий аҳкомларни тарғиб этиб, зулм-зўрлик, барча гайриинсоний ҳатти-ҳаракатларни ланатлайди.

Не хуш ҳислат эрур ахлоки неку,  
Неки килдинг келур олдинга ўтру.  
Мурувват пеша килким, хайи сонёъ,  
Етургай килмайин ажрингни зоёъ.

\* \* \*

Кимдаким аҳли жаҳондин бор илму маърифат,  
Килгуси они бархурдор илму маърифат.

\* \* \*

Ҳислати хуб ҳамадин, бас адаб ўрган зинҳор,  
Билимию ҳунари бўлган киши бўлмас хор.

\* \* \*

Эрур мақсад авлоди ила фарзанд,  
Икки дунёда килгучи баруманд.  
Улуглардин бу сўз бордур муқаррар,  
Ки ҳар одамда фарзанд ўлмаса гар.  
Ани бўлмас замири коми ҳосил.  
Бўлур балким сабоби доғи зойил.

\* \* \*

Бўлгин давомат хўблар билан ёр,  
Коч аҳли шаррдин, албатта, зинҳор.

\* \* \*

Эй ёронлар, норасолар бирла килманг ихтилот,  
Мардуми бемарҳаболар бирла килманг ихтилот,  
Гумрахи бераҳнамолар бирла килманг ихтилот,  
Йўл йитурган нобинолар бирла килманг ихтилот,

\* \* \*

Акли расолар йўлдан адашмас,  
Марди хирадманд ҳеч хаддин ошмас.  
Соҳиб фаросат ҳар ерда шошмас.

\* \* \*

Окил улгон билгай окил кадрини.

\* \* \*

То кажлик ила бўйла мадор этди фалак,  
Берахмлик ишини шиор этти фалак.  
Нодонни азиз ҳам муқаррам айлаб,  
Доно кишиларни асру ҳор этти фалак.

\* \* \*

Бевафоларга кўнгул берса агар ҳар кимсаким,  
Мубталойи меҳнати хижрон экандур билмадим.

\* \* \*

Ҳар кимсаки андух анинг кўнглида йўк,  
Таҳкик бил ани яхшики, одам эмас.

\* \* \*

Жаҳон гулзорида бўйи вафо йўк,  
Замон бўстонида ранги бако йўк.

\* \* \*

Келса кўлдин ҳар ким аҳдин вафо килмок керак,  
Сидк ила оинаи дилни сафо килмок керак.

\* \* \*

Мағрури дунё бемархабодир,  
Беҳуда ҳар сўз боди ҳаводур,  
Ҳар номуносиб иш нораводур.

\* \* \*

Сўз лаззатини одами нодон билмас,

Нечунки асал лаззатини хайвон билмас.

\* \* \*

Килсанг такаббур шармандадурсен,  
Хар гову хардин хам гандадурсен.

\* \* \*

Машваратсиз, бетафаккур килса хар иш хар киши,  
Ул кишининг окибат бўлгай паришонлик иши.

\* \* \*

Етушмакни ўзига килса армон,  
Керакким химмат ила ургай актсом.

\* \* \*

Кимки ориф эрса ўз нафсига,  
Дахрни бир зарра кўзга илмагай.

\* \* \*

Гул гунчалигида хор иландур,  
Очилди бир ўзга ер иландур.

\* \* \*

Агар одам эсанг огритма одам кўнглини зинхор,  
Ки ахли маърифат наздида Каъба калби мўминдур.

\* \* \*

Аклинг йитируб бўлма жахон мулкига магрур,  
Хукмингда агар бўлса Бухорою Самарканд.

\* \* \*

Самарасиз ўтса бу умринг бўлур тамоми абас.  
Ишингни пухта кил, акнун хар ишнинг хоми абас.

\* \* \*

Чарх золики жахонда хеч килмас вафо,  
Окил эрсанг айлама ул бирла акди издивож.

\* \* \*

Мехнат камола етмай, рохат нишони кайда,  
Топмас иложи корин бечора осий банда.

\* \* \*

Хулки хушни пеш кил, халк ичра беозор бўл.